

Ishonch

2018 йил 7 июнь • пайшанба • № 67-68 (4041)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёзги соғломлаштириш

Оромгоҳлар қучоқ очди

Дунёда бола кулгусидан-да ортиқ бахтнинг ўзи йўқ. Жажжиларнинг кўзлари ҳамиша қувончдан порлаб туриши учун барча шароитлар яратилган дидёримизда келажакимиз эгалари, эртанги кун бунёдкорларининг соғлиғи, таълим-тарбияси ҳамиша эътиборда. Уларнинг ёзги таътилни кўнглили ўтказишида ҳар йили катта тайёргарлик кўрилади. Бу йилги тараддуд эса аввалгиларидан-да ўзгача бўлди.



2>

ЎЗА ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг қўшма лойиҳаси

Инсонларнинг дард-у ташвишлари билан қизиқиб...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизнинг ҳар бир гўшасини обод этиш, одамларнинг яшаш шароитини яхшилашга устувор аҳамият қаратишдек эзгу мақсад бизни ушбу лойиҳага руҳантирди. Жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш устаги билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамкорликда мазкур лойиҳага қўл урди.



3>

Хукуматимиз томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилиб, соҳага тааллуқли қатор меъёрий ҳужжатлар ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.

Чунончи, 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ соҳада комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Яна бир эътиборли жиҳат — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтириш бўйича ички ишлар органлари ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди. Аммо амалга оширилаётган ишларга қарамадан йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш, пиёдалар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ишларида

ҳали-ҳамон камчиликлар мавжуд.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати барча иштирокчилари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ишларини тубдан ўзгартириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланди. Биз ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти юзасидан ИИВ ЙХХББ бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиев билан суҳбатлашдик.

5>

Долзарб мавзуда суҳбат

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»: мақсад ва вазифалар

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш янада такомиллашади



Табиат инжиқлиги

Ваҳимага асос йўқ

Шу йил 27-28 май кунлари мамлакатимизнинг шимолий-ғарбий тарафидан эган совуқ ҳаво оқими таъсирида шомнинг тегили ўртача 10-15 метрдан секундига 22-27 метргача кўтарилди. Ҳавога учган чанг булути кўёшни тўсиб, ноқулай экологик вазиятни юзага келтирди. Гидрометеорология бошқармасининг юсмиқ станциядан олган маълумотлари кўрсатадики, ноқулай об-ҳаво келтириб чиқарган туз аралаш чангли бўрон маркази Устпорт текислигининг Каспий денгизига яқин худудидан бошланган.



Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини камраб олган экологик ҳодиса туфайли аҳоли ўртасида ҳар хил асосиз, хавотир уй-

готувчи гаплар пайдо бўлаётир. Айниқса, интернет тармоғида айрим ваҳимачи шахслар воқеликнинг моҳиятига етмасдан (балки ғаразли мақсадда) исботланмаган, жиловсиз фикрлари билан одамлар юрагига гулгула соямоқда.

Шу муносабат билан муҳбиримиз мамлакатимизнинг шимолий-ғарбий худудларида юзага келган ушбу экологик жараён ҳақида тўлиқ маълумот олиш мақсадида тегишли идоралар вакиллариغا мурожаат қилди.

4>

КУН НАФАСИ

5 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида худудларда бюджетга қўшимча тушумлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш, инфляциянинг олдини олишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, солиқ ва молия идоралари раҳбарларининг шахсий масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мавжуд ҳолат танқидий таҳлил қилиниб, энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, тегишли раҳбар ва мутасаддиларга 2018 – 2021 йилларда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш, ушбу тармоқда рационал озук базасини шакллантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ҳар бир худуд бўйича асосий турдаги озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаб, тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, таъсирчан чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

«Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унда республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари биттирувчилари меҳнатдан тармоқ, худудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини инобатга олган ҳолда фойдаланишни яхшилаш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилди.

«Жиззах аккумулятор заводи» АЖИ янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга қўра, «Жиззах аккумулятор заводи» АЖИнинг устав капиталда «Ўзавтосаноат» АЖга тегишли улунинг 51,78 фоизи (акциялар пакети) белгиланган тартибда хорижий инвесторларга сотилди.

«Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Хукумат қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар негизида болалар-ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилади.

Ўрмон хўжалиги қўмитасида ишловчи ходимлар ҳам Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропика килиниши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистондан қўшни Афғонистон Ислам Республикасига мамлакатда кузатишдан кургоқчилик сабаб 3 минг тонна бугдой инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилди.

28-30 июнь кунлари Тошкентда «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти «Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» Маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистон 2035» форуми ўтказилди.

9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтadиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитида Ўзбекистондан Владимир Норов номзоди ташкилотнинг янги бош қотиби сифатида тасдиқланиши кутилмоқда.

Бош вазир ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров «Facebook» ижтимоий тармоғида ўз расмий саҳифасини очди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси билан қувват берувчи (энергетик) ичимликларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, унинг истеъмоли ва ишлаб чиқарилишини тартибга солишга оид акция бўлиб ўтмоқда.

Шарифжон Турсунов «Ўзтрангаз» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси этиб тасдиқланди.

Олимжон Файзибоев Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари лавозимига тайинланди.

У 2017 йил май ойидан буён Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаятган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси лавозимига Байрам Қарабаев тайинланди. Б.Қарабаев бунга қадар ушбу бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаятган эди.

Нормат Турсунов Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. У 2017 йил октябрь ойидан буён Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида ишлаб келаятган эди.

Сирожидин Азизов Қашқадарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари сифатида фаолиятини бошлади.

У илгари вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган.

2-3 июнь кунлари Термизда «Очиқ жануб» халқаро бизнес-форуми бўлиб ўтди.

У инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада сайёҳлик имкониятларини кенгайтириш ва Сурхондарё вилояти ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятига бағишланди.

Мазкур форум вазирлик ва идоралар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, қатор хорижий компаниялар масъуллари ва минтақанинг кишлоқ хўжалиги, туризм ва савдо соҳаси билан шуғулланувчи 180 нафардан зиёд вакиллари бирлаштирди.

4>



Оромгоҳлар кучоқ очди

Семинар

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳуқуқий мавзуда семинар ташкил этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Жана Ностаки иштирокида ўтказилган тадбирда таъкидлаб ўтилдики, сўнгги пайтларда мажбурий меҳнат масаласи долзарблигича қолмоқда. Меҳнатнинг ушбу шакли таққиланиши бир қанча умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда акс эттирилган бўлиб, унинг ҳар қандай кўриниши дунё миқёсида қораланади.

Дунёда қораланган иллат

Мамакатимиз миллий қонунчилигида Конституциянинг 37-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ҳуқуқига эга. Суд ҳукми ёки қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади. Республикада кўрилган чора-тадбирлар натижасида болалар меҳнати а тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бундай ҳолатга йўл қўймастик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имкони юзага келди.

Семинар иштирокчилари мажбурий меҳнат ва унинг турли кўринишлари, бундай меҳнатга жалб этилган шахслар каерга мурожаат қилишлари, қонуний ҳагги-ҳаражатларга бош қўшган шахсларга қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди. Мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди.

Семинар ўзаро фикр алмашиш ва савол-жавоблар асосида ўтди.

Изаатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

1 Эрта тонг. Тошкент Жанубий вокзали мавсумга масъул этиб бириктирилган давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари билан гавжум. Улар оромгоҳларга дам олиш учун келаётган Қорақалпоғистон ва ҳоразмлик 650 нафар ўғил-қизни кутиб олишга чиққан.

Орада икки соатлик фарқ билан поездлар вокзалга кириб келди. Болажонлар вагонлардан ҳаяжон оғушида хушқайфиятда туша бошлади. Уларга олдинда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги сўлим масканларда жойлашган «Бойчечак» ва Ўрта Чирчиқ туманидаги «Меҳржон» оромгоҳлари кучоқ очиб турибди.

— Оромгоҳимиз тўрт навбатда болаларни қабул қилади. Бунинг учун ҳамма шартлар яратилган, — дейди «Бойчечак» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Мир-

шоҳид Мирқамалов. — Бугун биринчи навбатта Оролбўйидан 325 нафар дам олувчини қабул қилдик.



Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Марҳабо, мароқли мавсум!

Яккабоғ туманидаги «Ниҳол» оромгоҳида ташкил этилган анжуман оромгоҳларни қабул қилиш ва соғломлаштириш мавсумининг очилишига бағишланди. Уни Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов олиб борди.

Йиғилишда Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида фаолият юритган «Тезкор ишчи гуруҳ раҳбарларининг (Исमत Очилов, Илҳом Сабдаров ва Шодмон Кубаев) худудлардаги оромгоҳлар мавсумга қай даражада тайёриги ҳақидаги ахборотлари тингланди. Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштириш, малакали тиббий-профилактик ёрдам, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалаларда фикр алмашилди.

Анжуман катнашчилари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖга қарашли «Ниҳол» оромгоҳида болаларнинг мазмуни ва мароқли дам олиш учун яратилган шартлар билан танишди.

— Жорий мавсумда «Ниҳол»



оромгоҳида 1400 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган, — деди «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Акрам Ҳамроев. — Қашқадарёда «Ниҳол»да янги ташкил қилинган «Етти чинор» суҳбатлашиш айвончалари

болажонларга муносиб тухфа бўлди. Китобхонлик тадбирлари ҳамда хорижий тилларни ўргатиш тўғрисидаги эътиборнинг кучайтирилиши ҳам қувонарли ҳолдир.

— Мавсумга Қарши давлат университетида ҳам пухта ҳозирлик қўрилди, — дейди ушбу муассаса касаба уюшма кўмитаси раиси Тўйчи Валиев. — Олий ўқув юртимиздан соғломлаштириш ишларига 76 нафар гуруҳ етакчиси, 78 нафар гуруҳ тарбиячиси, 23 нафар тўғрақ раҳбари жалб этилди. Улар орасида инглиз, немис, француз, рус тили тўғрисидаги ишчи намунали йўлга қўйишга қодир икtidорли талабалар кўп. Бу йил университетимиз ходимларининг 45 нафар фарзандига оромгоҳларга йўлланма берилади, шуларнинг 5 нафари (кам таъминланган ходимлар фарзандлари) имтиёзли хордик чиқаради.

Акmal АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Этироф

лит ансамбл юзага келди. Гул аллеясининг хар қаричида моҳир гулчиларнинг меҳнати ўз инфо-ласини топди десак, асло муболага бўлмайди.

Мутлақо ўзгача руҳ, ўзгача шартлар асосида кечган танловда хар бир ташкилотнинг шартларни тўлақонли бажариши, намойиш этилган кўргазмаларида ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини акс эттирувчи жозибдор композициялардан моҳирона фойдалангани, маданий-маърифий тадбирларнинг мазмуни тарзда ташкил этилгани ҳеч қимни бефарқ қолдирмади.

Надира МАМАЮСУПОВА,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Наманган шаҳрида ўтказилган 58-анъанавий гул байрамида иштирок этган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг якунда 1-ўринни эгаллаши муносиб этироф этилди.

Касаба уюшмаси — гул байрами ғолиби!

Сайил асноси Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғ худудидан бирлашма учун ажратилган махсус жой танлов шартларига мувофиқ безатилди. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиорини акс эттирган ноёб гуллар узукка қўйилган кўздек ярашиб тушди. Худуд сайил қунари давомиди дам

олувчиларнинг энг сеvimли гўшасига айланди. Соя-салқин, гуллар атрига чўмган маскан таникли санъаткорлар ташриф туфайли янада файзга тўлди.

Ўзгача дизайн, хориждан келтирилиб, иклимимизга мослаштирилган гулларнинг анвойи райхонлар билан биргаликда экилгани боис ях-



Қарор ва ижро

Аҳоли мамнун

Мамакатимиз бўйлаб 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган катламни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги ижтимоий ночор оилалар ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан жорий йилга белгиланган манзилли дастур асосида туманда жойлашган

«Бобур» номидаги боғда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди.

Унда ушбу худудда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ўзгалар парваршига муҳтож, эҳтиёжманд ва қўл болали 70 та оиллага рўзгор учун зарур бўлган замонавий газ плиталари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

Танлов

Ёш мутахассислар эътиборда

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати ижросини таъминлаш, ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни юзга етказиш, ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда. Жумладан, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Унда «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш фермер», «Энг фаол ёш ички ишлар ходими», «Энг фаол ёш банк ходими» каби 8 та номинация бўйича 45 нафар иштирокчи қатнашди.

— Инсон меҳнат орқали тобланиб боради, — дейди «Энг фаол ёш фермер» номинацияси 1-ўрин соҳибига Зафар Тоиров. — Ўз касбимга бўлган мухаббатим чексиз. Тадбирга тақдим этган ишларим мутахассислар томонидан ғолибликка лойиқ кўрилганидан хурсандман. Келгусида олдимга қўйган режаларимни амалга ошириш устида ишлаяпман.

Танлов якунида ғолиблар бирлашма кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Танловнинг Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган вилоят босқичида Бирлашма кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаев сўзга чиқиб, иштирокчилар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, бу йил 2000 нафардан ортққ ёшлар иштирок этгани, уларнинг маҳорати ортиб бораётганини эътироф этди.

Қатнашчилар ўз билим ва тажрибаси билан кўпчиликти катта таассурот қолдирди. Жумладан, «Энг фаол ёш шифокор» номинанти Сирдарё тумани кўп тармоқли тиббий маркази жарроҳи, ташхис бўлими мудири Алишер Яриевнинг оиласида дегарли ҳамма шифокор экан. Отаси Алижон Яриев узок йиллар тажрибали жарроҳ, онаси ҳамшира бўлиб ишлаган. Алишернинг турмуш ўртоғи эса вилоят ОИТС маркази лаборант шифокори. Ёш шифокор ўзининг 8 йиллик фаолияти давомидида изланишларини 2 та илмий мақола ва 12 та тезисда ёритган. У халқаро грант соҳиб. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигидаги «Ёш олимлар» кўрик-танлови республика босқичи қатнашчиси.

Тадбир якунида номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш тарбиячи» номинацияси бўйича Бухоро вилояти босқичи ҳам якунланди.

Ёш тарбиячилар бешта шарт бўйича ўз билим ва истеъдодини намойиш этишди. Чунонин, танланган мавзу асосида машғулотлардан давҳа кўрсатилди, тест синулариди билнимлар синуовдан ўтди. «Мақтаб-гана таълим сифатини оширишда стратегик режаларим» тақдироти ҳам анча қизиқарли келди. «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусидаги савол-жавоблар ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, иштирокчилар ўзларининг ижодий изланишлари ҳақида сўзлаб беришди.

Қоровулбозор туман 3-МТМ тарбиячиси Икбол Эшонқулова 1-ўринга лойиқ деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида қатнашади.

Сардор ЭРҒАШЕВ,
Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар бирлашмаси раиси

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик-танлови вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Қайд этиш керак, жорий йил танловнинг биринчи босқичида 300 га яқин хоразмлик ёш мутахассислар иштирок этди. Уларнинг 60 нафардан зиёди вилоят босқичига йўлланма олди.

Жумладан, энг фаол ёш мутахассислардан бири «Энг фаол ёш олим» номинацияси ғолиби Шахло Анитова эса Урганч давлат университети кимё технологиялари факультети ўқитувчиси. У устози, профессор М. Жуманиёзов бошчилигидаги узок йиллик илмий изланишларидан сўнг маҳаллий ҳомаёш ва саноат чинкидилари асосида рақобатбардори ўрама материаллар олиш технологиясини яратишга муваффақ бўлди.

Танлов якунларига кўра, қатор номинациялар бўйича ғолиб бўлган ёш мутахассислар республика V форумида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Маданият саройи»да ўтказилди. Тантанана танлов ғолиблари, ҳамкасблар, шунингдек, касаба уюшмалари фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тақдирлаш маросими аввалида танлов ғолибларининг меҳнат фаолияти ва эришган ютуқларини ёритувчи материаллар, меҳнат қуроллари ҳамда ишланмалари кўргазмаси ташкил қилинди.

Танловнинг номинациялари ғолиблари касаба уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шавкат ТОИРОВ,
журналист

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Йилнинг энг фаол ёш олими» танловининг Тошкент шаҳри ва вилоят босқичи ўтказилди.

— Мамакатимизда ёшларнинг хар томонлама етуқ мутахассис бўлиб қамол топишига бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш, икtidорли ёш олимларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди ЎзФА бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Ана шу мақсадга қаратилган ушбу танлов ҳам ёш олимларнинг меҳнат ҳуқуқи, инглиз тилини ўзлаштириш даражаси, докторлик диссертацияларининг ёритилиши бўйича тақдироти ҳамда савол-жавоблар асосида кенг баҳо-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Танловда 1-ўрин Тошкент шаҳри бўйича ЎзФА механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтини илмий ходими Екатерина Анга, вилоятда эса ЎзФА материалшунослик институтини кичик илмий ходими Жаҳоҳир Шерматовга насиб этди. Улар танловнинг республика босқичига тавсия қилинди.

Барча иштирокчилар ва ғолибларга маъмурият ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Мухсар РАЗОҚОВА,
«Ishonch» мухбири

**ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ
ТАШЛАЁТГАН ЖИЗЗАХ**

Жиззах вилояти қулай географик жойлашуви билангина эмас, балки мамлакатимиз иқтисодий, маданий ҳаётидаги муҳим ўрни билан бошқа ҳудудлардан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларини боғловчи автомобиль ва темир йўлларнинг шу ердан ўтгани ҳам ҳудуднинг катта имкониятларидан биридир.

Жиззахда бунёд этилган «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» автомобиль заводи, «Mega invest industrial» МЧЖ шаклидаги композит арматуралар ишлаб чиқариш заводи, «SILK EXPERT processing» ҳам ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга табиқ этилаётган «Обод қишлоқ» дастури Жиззахда амалий натижасини кўрсатди. Дўстлик туманидаги Манас кишлоғининг довури етти иқлимга етди. Бу ерда ҳамма нарса янгиликнинг қолмади, қўлаб янги иш ўринлари яратилди. Кишлоқ гўё қайтадан дунёга келди.

Йўлда шукара ҳақида суҳбатлашиб, манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Заминга



борса бир кадам четроқдаги кўпқаватли бу уйдаги муаммолардан, аҳолининг ҳолидан хабар олгувчи бормикин, деб ўйлаб қоласан киши.

Бу саволга жавоб топиш учун «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинига йўл олдик.

— Бу уй яқинда таъмирдан чиққан, дейди маҳалла раиси Абдулла Ёриев. — 26-хонадонда яшовчи фуқарога келсак, унинг ўзи шикоятчи одам.

— **Ким бўлишдан қатъи назар, ёши улуг, кўзи ожиз отахоннинг юқори қаватдан пиёда**

ровсиз қолгани ва талабга жавоб бермаганини айтишди. Эътиборсизлик туфайли мавжуд музейларнинг сони ҳозирча тўрттага қамайди. Аҳвол шу тарзда кетса, кейинги йилларда уларнинг сони яна қамайиши эҳтимолдан йироқ эмас.

**ХАЛҚИМИЗ БУГУН
ЯХШИ ШАРОИТДА ЯШАСИН!**

Жиззах шаҳри марказини Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса қўшган давлат арбоби Шароф Рашидовнинг залворли ҳайкали безаб турибди. Бу буюк арбоб номи билан аталадиган кўча ўзининг ободлиги билан ажралиб туради.

Кенг кўчанинг икки ёнида замонавий маъмурий бинолар, савдо комплекслари ва бошқа иншоотлар қад ростлаган. Қўриб ҳавасингиз келади. Бу, албатта, нафақат жижзахликлар, балки Ўзбекистоннинг ютуғи ва юзи.

Шу йўлдан фахрланиб кетарканмиз, бизни чиройли бинолар ортида нима борлиги, аниқроғи, ҳаёт қандайлиги қизиқтирди.

Йўлни шу томонга бурдик. Бошқа асрга ўтиб қолгандек бўлдик. Йўллар ўйдим-чуқур, атроф нотоза, икки қаватли уйлар тўқилай деб турибди...

Бу «Зилол» маҳалласи экан. Маҳалладаги уйга яқинлашарканмиз, ён-атрофнинг ахлат уюмларига тўлгани, уй атрофидаги ерларнинг қаровсиз ёт-

шубха йўқ. Шу жиҳатдан улар бир-бирига жуда ўхшаш.

Шароф Рашидов тумани бўйлаб катта йўлда кетарканмиз, ана шу фикрлар ҳаёлимизни банд этганди.

Кўпчилик қишлоқ аҳолининг замонавий шароитда яшаётгани қувонарли ва бу ютуқлар билан хар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ шу одамларга тақдир туташи-у, уйи туташи бўла олмаган одамлар борлиги кишини ўйга толдиради.

Гап шундаки, йўл-йўлақай эски, ташландик аҳволга келган ҳаммом ёнида ёш болаларни кўриб қолдик. Беихтиёр йўлимизни шу томонга бурдик.

Ён-атрофни кўздан кечирарканмиз, қурилганга қамиди юз йил бўлган ҳаммомнинг йиқилай деб турган деворларига туташ пастак томли, оғил-хонага ўхшаш бино ёнида аёл ўчоқка ўт қаларди. Ҳаво исиб кетган, аёл эса тирикчилик ташвишида бунга парво қилмасди. Унга боқиб «оҳ, сабрли ўзбек аёли», деган ўй кўнглимиздан кечди.

Қачонгача сабр қиласан-а, ахир қайси асрда, қайси замонда яшайсан?

Бизни очик чехра билан кутиб олган Кундуз Тўйчиеваннинг турмуш тарзи билан танишарканмиз, тўрт фарзанднинг онаси бўлган бу ёлғиз аёлнинг ҳаётини қўлимизга бизни

осон эмас. Энг ёмони, бу туманининг бир жойда қолиб қолгани бўлди.

Гап шундаки, бу ерда қурилган сон-саноксиз уйларга юртимизнинг турли ҳудудларидан одамлар кўчиб келиб, истиқомат қилган. Пахтачилик, галлачилик билан шугулланиб, тоғ-тоғ хирмонлар бунёд этган. Ўтган йиллар давомида бундай меҳнат-қашларнинг авлоди бир неча бор янгиланди. Аммо ҳаёт, турмуш янгиланмади.



ЎЗА ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг қўшма лойиҳаси

Инсонларнинг дард-у ташвишлари билан қизиқиб...

оқшом чўққанда Жиззах вилояти марказига кириб келарканмиз, ўзимизни эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этдик. Турфа чироқларга безанган замонавий бинолар одамнинг ҳавасини келтиради. Буни чинакам ўзгариш, ривожланиш, деса бўлади. Ажойиб таассуротлар билан меҳмонхонага жойлашдик. Эрта тонгдан шаҳар ҳаёти, аҳолининг турмуш даражасини яқиндан билиш учун маҳаллалар сари йўл олдик. Шаҳар маркази кундузи ҳам оқшомдаги каби гўзал ва бетакрор. Ён-атрофда кўзга ташланаётган қурилиш ишлари жижзахликларнинг бунёдкорлик йўлидаги фидойилигини сўзлаб турибди.

тушинининг ўзи...

— Лифт масаласи пулга бориб такалади. Буни ширкат ҳам, маҳалла ҳам ҳал қилолмайди.

— **Маҳалла одамларга ёрдам бериш учун бу ишларга аралашмаса, ким аралашади?**

— Биз ҳаракат қилаймиз. Ширкатлар фаолияти энди ривожлантирилади.

Маҳалла раиси шу каби умумий гаплардан наринага ўтмади.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларига юзланамиз. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Сойибжон Ортиқов 64-уйда ҳақиқатан муаммолар борлиги, улар босқичма-босқич ҳал қилинаётганини айтди.

Биз шу уйдаги ёши улуг инсонларнинг азият чекаётгани, уларга ёрдам қўлини чўзиш имкони бормикин, деган савол билан мурожаат қилдик. Ҳоким ўринбосари буни ўз назоратига олишини маълум қилди.

Кожийди, шундай бўлса. Шаҳар ҳуснидаги бир доғ ювилса, ўқсик кўнглилар кўтарилса...

**МУЗЕЙЛАР ҲИМОЯГА МУХТОЖ!
ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИДА
ЖИЗЗАХДАГИ МУЗЕЙЛАРНИНГ СОНИ
ТЎРТГА ҚАМАЙДИ**



Навбатдаги манзил Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлди. Уни излаб йўлга чиққанамизда тополмай анча сарсон бўлишимизни ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Одамлардан сўрасак, ҳеч ким айтиб бера олмади.

Ниҳоят, ховлисига гуллар экилган, шоир Ҳамид Олимжон ҳайкали ўрнатилган кичик ховли ёнида тўхтадик. Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи шу ерда жойлашган экан.

Унинг ўлкашунослик қисмида жой қамлиги учун мавжуд 2700 экспонатнинг 167 тасигина кўргазмага қўйилган, холос. Уларнинг асосий қисми «Қизил китоб»га киритилган қушлар ва ҳайвонлар. Қолганга эса жой йўқ...

— Бизни шаҳардан чеккароққа кўчиришганига икки йилча бўлди, — дейди музей бўлими бошлиғи Рустам Тўхтамишев. — Чеккада бўлгани учун ҳеч ким келмайди. Қачонки, ўзимиз мактабларга бориб, саёҳат уюштирсак, ўқувчилар, келади. Бўлмаса йўқ.

Галлаорол ва Бахтал туманларида ҳам музейнинг филиали бор эмасми, деган саволимизга мурасса ходимлари улар аллақачон ёпиқгани, қа-



гани, уйнинг олд қисмидаги ёриқлар ва кўчган сув-воқ излари дилни хира қилди.

Уйдаги 4-хонадон эшигини тақиллатдик. Ўзини Гулчехра Омонова деб таништирган уй бекасини суҳбатга тортидик.

Хонадон соҳибаси мутасаддилар ободонлик ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйгани, бунга бош бўлмаётганидан ранжишини маълум қилди. Уй ичиди ҳам муаммолар йўқ эмас экан. Ичимлик суви гоҳ келса, гоҳ келмайди.

Бу муаммолардан Жиззах шаҳар ҳокимлигининг хабари борми?

Биз яна шаҳар ҳокимининг ўринбосари Сойибжон Ортиқовга кўнгирок қилиб, саволларимизга жавоб сўрадик.

— Мазкур маҳалла «Обод маҳалла» дастурига киритилган. Бу ерда ободонлик ишлари 2019 йилда амалга оширилади, — деди у.

— Унгача одамлар шу аҳволда яшайверадими?

— Йўқ, албатта. Камчиликни тузатишга ҳаракат қиламиз. 2019 йилни кутмасдан бошқа имкониятларни ишга солиб, аҳолига қулайлик яратишга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, ҳеч бўлмаса мутасаддилар камчиликни тан олиб, уни бартараф этишга ваъда бермоқда. Бу ҳам бир масъулият.

Истагимиз Президентимиз айтганидек, халқимиз келажақда эмас, бугун яхши шароитда яшасин.

**НОЧОР АЁЛДАН
КИМ ХАБАР ОЛАДИ?**

Жиззах йўллари четига бир-бирига туташ қуришган намунавий лойиҳадаги замонавий уйлар қўрқ бағишлаб турибди. Туташ уйлар — туташ тақдирлар...

Бу каби янги уй соҳибларининг барчасида янги орзу-умид, келажаққа янги ният борлиги



хайрон қолдирди. Уйсиз, ишсиз, шаронсиз, ортиқча маблағсиз, умидсиз бўлсангиз нима қилардингиз? Бу саволга жавоб беришнинг ўзи оғир. Шундай эмасми? Аммо 45 ёшни қаршилаган Кундуз Тўйчиева шу аҳволда ҳаёт кечирмоқда. Қишда иситиб бўлмайдиган, тоmidан узлуксиз чакки томадиган, ёзда нафас олиш қийин бўлган шу ташландик бинодан бошпана топганига шукр қилади.

Тўғри, тақдир бу аёлга қулиб боқмаган. Турмуш ўртоғи тўрт қизи билан ташлаб кетган. Чеварлик қилиб топган пулини болалари қорини тўйғизишдан олтириб, уй-жой қила олмаган. Бунинг учун у ҳеч кимни айбламайди. Онда-сонда хабар олиб турадиган «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раисидан ҳам мингдан-миг рози. Аммо бу аёлни шу ҳолда ташлаб қўйиб бўладими? Наҳотки, бу ноқор аёлнинг ҳолидан хабар олгувчи бўлмаса?!

Бу масалада Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Мухторовага мурожаат қилдик. У аёлга оид барча маълумотларни ёзиб олди ва унга ёрдам кўрсатилишини, шахсан ўзи назоратга олишини билдирди. Тўғриси, бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

**МАНГУЛИК МАСКАНИГА
ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ**

Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани бўйлаб кетарканмиз, «Мангулик» кабрисони эътиборимизни тортди. Ўт-ўланлар босган бу маскан анча қаровсиз ҳолда экан.



Шу ерлик аҳоли вакилларида кабрисон тарихи ҳақида сўрадик. Улар кабрисон ўтган асрнинг эллингичи йилларидан бундан мавжудлигини маълум қилди. Қизиғи, бу маскандан вафот этган турли дин вакиллари кўним топан.

Ўт-ўланлар ўсиб кабртошларни босиб кетаётган бўлса ҳам негидир на мутасаддилар, на аҳоли вакиллари, ва на марҳумларнинг яқинлари кабрисонни, кабртошлар атрофини тозалаб, ободлаштиришни ўйлаб кўрмаган.

Ушбу масалада Пахтакор тумани ҳокимлиги ҳузурдаги ободлаштириш бошқармасига мурожаат қилдик. Бошқарма бошлиғи Рўзмон Завқиев ушбу ҳолатга изох берар экан, кабрисонга дарвоза ўрнатилиб, атрофи девор билан ўралаётгани, тез қунарда мангулик масканида тозалаш ишлари амалга оширилишини маълум қилди.

Ҳа, савоб ишнинг кечи бўлмайди.

**МИРЗАЧЎЛНИ
УЙГОТГАН УМИД**

Ўтган асрнинг 60-йиллари «қашфиёти» бўлган Мирзачўл ҳақиқатан ҳам Жиззахнинг адоқсиз чўллари қок ўртасида бунёд этилган. Чўлда яшаш

Қурилганига 50-60 йил бўлиб кетган уйлар эскириб кетган, ишсизлик, умидсизлик одамларнинг силласини қуриртган, улар илинж излаб турли томонга кета бошлаган эди...

Аммо кейинги бир йил Мирзачўлга умид келтирди, уни гафлатдан уйғотди!

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бошланган ислохотлар бу чўл бағрига ҳам етиб келди. Халқ манфаати учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратишга киришилди. Давлат томонидан туманга ўз ишининг устаси бўлган фидойи раҳбар тайинланди.

Туман ҳокими Махмуд Холбўтаев билан аҳолини қийнаётган муаммолар, ёрдамга мухтож инсонлар ҳақида суҳбатлашдик.

Одми қийинган, қуюнчак инсонлиги гап-сўзларидан билиниб турган ҳоким бу маҳаллада «Обод қишлоқ» дастури бўйича туб ўзгаришлар амалга оширилишини тасдиқлади. «5-6 ойдан кейин келсангиз, бу ерни танимай қоласиз», деди у.

Ҳоким бизни Мирзачўлни уйғотган умидлар билан таништирди. Мактаб, болалар боғчаси, шифохонада таъмирлаш ишлари бажарилган. Ҳар бир маҳаллада иш ўрни яратишга ҳаракат қилинган. Ўндан ортиқ маҳаллада тикувчилик цехлари очилиб, юзлаб аёллар иш билан таъминланган. Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилиб, унда маҳалла аҳли меҳнат қилмоқда.

Мирзачўлга энг катта умидни берган бу — «Ғалаба» маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури доирасида бунёд этилаётган янги уй-жойлардир. Пишиқ ғишдан бунёд этилаётган бу уйларда, улар атрофида аҳоли замонавий шароитда яшаши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Уйлар қўриб битказилса, 400 тага яқин оила ҳавас қилгулик «ватан»га эга бўлади.

Бу хонадонлар яшаш жойи талабга жавоб бермай қолган, уй-жойга мухтож оилаларга берилади. Энг муҳими, янги уйга кўчиб ўтганлар учун янги маҳаллага туташ жойда иш ўрни яратилган. Кўлаб ҳомийларни жалб қилган ҳолда қурилиб, ишга туширилган «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси»да айни пайтда 200 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган.

Катта цехда, замонавий шароитда қўли-қўлига тегай ишлаётган опа-сингилларимизга ҳавасимиз келди. Уларнинг кўзларидаги шижоат, ишонч — халқимиз қалбига умид солган ислохотлар меvasи.

Бизни қувонтиргани Президентимизнинг доимо халқ билан мулоқотда бўлиб, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлиқни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари чекка-чекка ҳудудлар, қишлоқ ва овулларга ҳам етиб борганини ўз кўзимиз билан кўрганимиз бўлди.

Юртини кезиш бизни оддий одамларга яқинлаштирди гўё... Ватандошларимиз эртанги кунга катта ишонч туйиб яшаётгани, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитидан кўнглиларимиз сув ичгандек бўлди. Ва халқимиз ҳаётига янада чуқурроқ эътиборда бўлишимиз муштарак эҳтиёж эканини ҳам ҳис этган ҳолда пойтахтга қайтдик.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбирлари,
Гулсум ШОДИЕВА,
«Ishonch» муҳбири**



Ваҳимага асос йўқ

Шарибой ТУРЕМУРАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлими Бош илмий котиби:

— Табиат ўзининг кандай мўъжизакор кучга эга эканини яна бир қарра намойён этди. Чанг бўрони келтирган тузининг таркиби лабораториямизда ўрганилиб, тегишли хулоса чиқарилди. Тадқиқотлар натижаси шунга кўрсатдики, жуда майда (1-100 нм) ўлчамдаги чанг зарраларидан ташкил топган тузлар ҳавога тез ва осон кўтарилган. Чангда мавжуд сувда эрувчан минерал тузларнинг миқдори 16,62 фоизга тенг. Тузларнинг таркибида ўсимликларга зарарли таъсир кўрсатувчи кальций гидрокарбонат ва кальций сульфат 18,57, ўргача таъсир кўрсатувчи натрий сульфат ва натрий хлорид 66,19 та зарарли таъсир кўрсатувчи мағний сульфат ва натрий карбонат миқдори 15,24 фоиздир. Ўсимликлар дунёсига ва тупроқ қатламга аэрозоль шаклида тушган тузларнинг токсик таъсирини ўрганиш жараёни давом этмоқда.



Баҳодир ҚУТЛИМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси бош санитар шифокори:



— Воҳада носоглом экологик ҳолат юзага келган кунлари туманлар экан майдонларидаги маданий ўсимликлар, тупроқ ва аэрозоль тузли чанг чўкмаляридан намуналар олинди. Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси лабораторияларида тузларнинг кимёвий таркиби ўрганилди.

Туман ва шаҳарлардаги ДСЭНМларда белгиланган тартибда аҳоли яшаш ҳудудлари, атмосфера ҳавоси ва тупроқ, очик сув хавзаларидан намуналар олиниб текширилмоқда. Зарур жиҳозлар ва реактивлар билан тўлиқ таъминланган лабораторияларда махсус тайёрлашдан ўтган мутахассислар фаолият кўрсатиб, жойларда навбатчиликлар ташкил этилаётир.

Чанг-тўзон таъсирдан аҳоли орасида аллергия ва сунукални нафас йўллари касалликлари кучайишининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Қўрилган чора-тад-

бирлар натижасида 27-31 май оралиғида ДСЭНМлардаги «Ишонч телефон»лари орқали аҳолидан биронта ҳам шикоят ёки муурожаат келиб тушмади.

Жузбой ИНАТОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг пахтачилик ва техник экинларни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Май ойи охирида бўлиб ўтган кучли шамол ва туз бўрони оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларидаги етказилган талафот кўлами ўрганиб чиқилмоқда. Зарар кўрган пахта, бошоқли дон, сабзавот, полиз экинларини жадал парваришlash бўйича фермерларга тавсиялар берилган. Қартошка, кунжут, соя ва дуккакли экинларнинг ўсиб ривожланишини мутахассислар ўз назоратига олган.

Қузи бугдой далалари туз бўронидан деярли зарар кўрмади. Аччиқ қалампир экилган майдонларда туз таъсирида қовжираб қуриган қўчатлар ўрнига янги қўчат ўтказиш ишлари тезкорлик билан бажарилаётти.



Парахатдин ТАНИБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник:



— 2018 йилнинг 27-28 май кунлари бўлиб ўтган туз бўрони натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидаги келтирилган зарарни аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилган эди. Ишчи гуруҳ ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлиниб, тезкорлик билан барча туманларда бўлди ва фермер хўжалиқларидаги экин майдонлари ҳолатини ўрганиб чиқди. Тузли чангнинг ўсимликларга кўрсатган зарарли таъсири мониторингинг ўтказилганида гўза баргларининг чет қисмларида қуруқлашган, қўнғир рангли ўзгаришлар кузатилди. Пахта далалари четларида экилган қовқоқ ўсимликларининг баргларида чангли тузлар кўпроқ таъсир ўтказган. Ёввойи ем-хашаклардан камши, ширинмия ва бошқа ўсимликларга нисбатан тузнинг зарарли таъсири кам экани маълум бўлди.

27-31 май кунлари оралиғида Қорақалпоғистон ҳудудида классификация бўйича экологик тусдаги фавқулодда вазият ҳамда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазият-

лар бўйича бирор ҳолат рўйхатга олинмади. Аҳолига шундай ҳолат яна такрорланганда бир марталик қўлланиладиган тиббий никоблардан фойдаланиш, ўсимлик баргларини сув билан ювиб ташлаш ва уй хайвонларини озиклантиришдан чанглардан тазаланган ем-хашаклар бериш тавсия этилди.

Айбосин ҚИДИРНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Гидрометеорология бошқармаси бошлиғи:



— Жорий йилнинг 26 май куни энг юқори ҳарорат +37, +39 даражани кўрсатди. Беш кун давом этган иссиқ об-ҳаво туфайли Устюрт текислигида ернинг устки 10-15 см. қатламда намликнинг тўлиқ бугланиши кузатилди. 27 май куни шимолий-ғарбий тарафдан келган совуқ ҳаво оқими шамолнинг тезлигини 10-15 м/сек.дан 22-27 м/сек.га кўтариб юборди. Кучли шамол ер бетидеги қуруқ қатламни тупроқни атмосферага олиб чиқди. Шу куни йўللарда кўриш масофаси 100-500 метрни ташкил этди. 27 май куни Нукус шаҳрида ҳаводаги чангнинг миқдори 0,50 ПДК (нормал меъёрий коэффициент) ни кўрсатди. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида ҳаводаги чангнинг миқдори меъёридан 3 ҳисса кўп бўлгани аниқланди.

Бундай экологик ҳолатни кузатиб ваҳимага тушиш ноғўри. Чунки ушбу жараён ҳар йили камда икки мартаба кузатилади. Масалан, жорий йилнинг 14 апрель куни кечаси рўй берган экологик ҳолатни кўпчилик сезмай ҳам қолди. Шу йил сентябрь ойи иккинчи ярмида ушбу жараённинг қайталангани кутилмоқда. Одатда, бундай ҳолатдан кейин ёмғир ёғиши кузатилади ва пировард натижада табиат инжиқлиги сезилмай қолади.

Ҳозирги даврда об-ҳаво ўзгаришини олдиндан башорат қилиш имкони бор. Шундай экан, қатор ташкилотлар ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, аҳоли учун экологик тавсиянома ва методик қўлланмалар ишлаб чиқилса, одамлар ўртасида турли ваҳимали миш-мишлар тарқалиб кетишининг олди олинарди. Бу билан халқимизнинг экологик саводхонлигини ошириб, табиатга бўлган муомала маданиятининг чуқурроқ шаклланишига қўмақлашган бўлардик.

Р.С. Афеуски, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасидан ушбу ҳолат бўйича маълумот олишга уриниб қилган ҳаракатларимиз натижасиз қолди. Қўмитани бўлим бошлиғи Махсуд Аметов билан учрашганимизда, у экологик ҳодиса оқибатлари ҳақида ёзма тарзда маълумот тайёрлаб беришни ваъда қилган бўлса-да, айтилган муддатда ҳам, кейинчалик ҳам сўзининг устидан чиқмади. Бир неча бор қилган телефон қўнғироқларимизга жавоб ҳам бермади. Қўмитага қайта муурожаат қилганимизда эса идора ходимлари масалани ҳал этишни пайсалга солишди. Хуллас, фаолияти айнан шу соҳага тегишли бўлган идорадан ҳафсаламиз пир бўлди. Аслида, ўзи ташаббус билан чиқиб, юзага келган экологик ҳолатдан аҳолини, қолаверса, ОАВни хабардор қилиш мазкур қўмита мутасаддиларининг вазифаси эмасми? Ёки улар бу ҳақда бошқача фикрдами?

Сўхбатни «Ishonch» мухбири
Ортиқбой МАМУТОВ ёзиб олди.

КУН НАФАСИ

41
Жаҳон нейрохирурглар жамиятлари федерацияси вице-президенти, тиббиёт фанлари доктори, академик Евгений Педаченко Қашқаларё вилоятида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

«Ўзэкспомарказ»да «Green Ecology Technologies Central Asia 2018» (GETCA — 2018) деб номланган илк кўргазма бўлиб ўтмоқда. Бу мамлакатдаги атроф-муҳит муҳофазаси, чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергосамардорлик масалаларига бағишланган Марказий Осиёдаги биринчи халқаро экологик кўргазмадир.

Шу йилнинг 19-23 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида илк мартаба умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида физика ва астрономия фанларидан Мирзо Улугбек номидаги халқаро олимпиада ўтказилди.

«Ўргач» халқаро аэропорти 2017 йилдаги фаолияти натижалари бўйича «Аэропорт ривожига қўшган катта ҳиссаси учун» номинациясида галаба қозониб, яна бир бор «МДХ давлатларида энг яхши аэропорт» танловининг лауреатига айланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Тошкент марказий эко-боғида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг «Ёшларга имкон» маркази томонидан қурилган «МДХ аэропорт» ёшлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича беллашувлар ўтказилди.

Жаҳон банки тахлилчиларининг фикрича, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Марказий Осиёдаги ўргача кўрсаткичдан тезроқ ўсиб боради.

Бош прокуратурада прокуратура ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги брифингда маълум қилинишича, Ўзбекистоннинг собиқ бош прокурори Рашидjon Қодиров иши бўйича 21 нафар киши ҳибсга олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги қарорига мувофиқ, ташкилий ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, барча юридик шахслар лицензия асосида хайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Андижон шаҳрида «GM Uzbekistan» АЖнинг мунтазам фаолият юритувчи кўргазма зали ўз ишнини бошлади. Унда компания томонидан ишлаб чиқариладиган барча моделдаги автомобилларнинг импорт қилинуви бутловчи қисмлари намойиш қилинади.

Уругвай терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Альсидес Эдгардо Гиза бутун дунёдан мухлислар талқинига кўра,

жаҳон чемпионатлари тарихида энг яхши футболчи деб топилди. Таъкидланишича, энг яхши футболчи учун овоз беришда 578024 нафар киши иштирок этган.

Тунис кирғоқлари яқинида ичиди нақсоний мигрантлар бўлган қайик ҳалокатга учради. Ушбу фожиа оқибатида 58 нафар киши ҳалок бўлди.

Гватемалада Фуэго вулкони оқибатида ҳалок бўлганлар сони 70 кишига етди.

Сингапурда Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин ва АҚШ Президенти Дональд Трампнинг учрашуви муносабати билан махсус тангалар чиқарилди.

24 ёшли фотосуратчи, ашаддий футбол муҳлиси бўлган мисрлик Муҳаммад Навфал Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати сари велосипедда йўлга чиқди.

Қирғизистон собиқ бош вазيري Сапар Исоков коррупция бўйича жиноий ишни суриштирувдан ўтказиш доирасида ҳибсга олинди.

ЮНИСЕФ маълумотига кўра, афғонистонлик болаларнинг 50 фоизи таълим муассасаларига бориш имкониятидан маҳрум.

«Computex — 2018» юқори технологиялар халқаро кўргазмасида «NVIDIA» компанияси «Jetson Xavier» номини олган чипни тақдим этди. Мазкур чип роботлар учун яна вазифини бажаришга мўълажалланган.

Япониялик муҳандислар пурқалаётган сув оқими ҳисобига ҳавода муаллақ турувчи ўт ўчирувчи роботни ихтиро қилди.

Аргентина терма жамоаси шу йилнинг 9 июнь куни Қуддусда ўтказилган режалаштирилган Исроил терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинини бекор қилди. Бунга фаластинликларнинг Аргентина терма жамоасига нисбатан қилган муурожаати сабаб бўлган.

Россиянинг Анапа шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган жаҳон кубоги — «Даймонд» мусобақасида спортчиларимиз ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Дунёнинг 12 та давлатидан 750 нафарга яқин спортчи иштирок этган мусобақада терма жамоамиз аъзолари 20 та олтин, 14 та кумуш ва 16 та бронза медални қўлга киритди.

Шу йилнинг 4 июнидан бошлаб Ўзбекистон бўйлаб ойнаси қорайтирилган автомобилларга қарши рейд бошланди. Ҳозиргача ўнлаб автомобиллар жарима майдончасидан жой олган.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Брифинг

Прокуратура ахборот очиқлигидан манфаатдор

Прокуратура муайян маънода давлат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги ҳисобланади. Бу фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатда ошкоралик ҳамда шаффоқлик тамойилларига тўлиқ амал қилинганида янада кучлироқ намоён бўлади.

Кунга кеча Бош прокуратура ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида «Мамлакатимизда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси» мавзусида брифинг бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг ўтган давр мобайнидаги фаолияти бўйича ҳисобот, ахборот олувчилар учун тизимнинг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида атроф-

лича маълумот берилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув ва тергов фаолияти соҳасини мувофиқлаштириш борасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг 11 715 та қарори бекор қилинган, зарур процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида 58 436 та ёзма кўрсатма берилган. Энг асосийси, 2017 йил ва жорий йилнинг 4

ойида айбисиз бўлган 434 нафар фуқаро суллар томонидан оқланди. Бу рақамнинг нечоғлик аҳамиятга эгаллигини ўтган ўн йил давомида атиги 32 кишигина оқлангани ҳам яққол тасдиқлайди. Бундай мисолларни яна кўлаб келтириш мумкин.

Талбир давомида Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев шу пайтга қадар ОАВ ва прокуратура органлари ўртасида ахборот олишда муаммолар бўлгани, қайсидир ўринларда ҳақиқатан ҳам матбуот билан муносабатларда ёпиқлик ҳолатлари кузатилгани, лекин эндиликда бу каби ҳолатларга барҳам бериш ва доимий ахборот алмашинувини таъминлаш борасида ушбу брифинг дастлабки кадам эканини таъкидлаб ўтди.

— Ўйлайманки, бугунги брифинг прокуратура

органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни янада жонлантириш, жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини йўлга қўйишга хизмат қилади, — деди у.

Президентимизнинг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги фармони билан халқ манфаатларига хизмат қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. 2017 йил 14 ноябрдаги «Прокуратура органларининг ахборот-таҳлил фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Прези-

дент қарорига мувофиқ Бош прокуратура ҳузурида энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ташкил этилди.

Қизгин мулоқот шаклида бўлиб ўтган брифингда фуқаролар ҳуқуқ-эркинликлари, давлат ва жамятининг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини таъминлашда прокуратура ва ОАВ вакиллари ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Бундан ташқари, талбир якунида Бош прокуратуранинг янгиланган веб-сайти тақдими ҳам ўтказилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch» мухбири

— Давр шиддат билан олға бормоқда. Бундан буён эскича усулда, хотиржамлик билан ишлаб бўлмади, — деди суҳбатдошимиз. — Шундай экан, соҳани тубдан ислоҳ қилишимиз, унга янги-янги ахборот-коммуникация тизимларини жорий этишимиз ва пировадда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишлари самарадорлигини оширишимиз керак.

Ана шу йўналишдаги ишлардан бири ва назаримда, энг муҳими, 2018 — 2022 йилларда мамлакат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг қабул қилингани бўлди. Мазкур концепциянинг асосий йўналишлари, бу — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шу жумладан, йўл ҳаракати қондаларини кўпол равишда бузганлик учун жавобгарлик чораларини янада кучайтириш, йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шартлар яратиш ҳамда йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданияти, зарур билимлари ва малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлашдир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган «2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси» ва «2018 — 2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» соҳамизда улкан ўзгаришлар, тизимда туб бурилиш ясашга ҳизмат қилади. Бу қарор манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлигига Концепциянинг асосий йўналишлари ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарликни юклайди. Зеро, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тор доирадаги ёки бир соҳага тегишли иш эмас. Шунинг назарда тутилган ҳолда биз Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати хузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифни киритган эдик. Бу тақлиф маъқулланди ҳамда Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Ҳозир олдимизда ана шу Жамоатчилик кенгашининг таркибини тузиш ва тасдиқлаш вазифаси турибди.

— Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Жамоатчилик кенгаши, биринчидан, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиш ва ушбу соҳада хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини тизимли асосда ўрганиб боради. Бу жуда муҳим, чунки кўпчиликнинг фикрини билиш, ўрганиш ва бу фикрларни қонун нуқтаи назаридан амалиётга татбиқ этиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Иккинчидан, ушбу кенгаш томонидан Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг қандай амалга оширилётгани ва унинг натижалари мониторингни олиб борилади. Мониторинг натижаларига асосланган ҳолда тизимни янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Учинчидан, кенгаш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолиятининг қонунийлик базасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган тақлифларни тайёрлайди ва киритилади.

Жамоатчилик фикрларига асосланган ва шу нуқтаи назардан тайёрланган тақлифлар халқчил бўлиши шубҳасиз.

— Билишимизча, концепцияга асосан ҳафтанинг ҳар жума кунини «Йўл ҳаракати хавфсизлиги кун»и деб белгилаш режалаштирилмоқда. Аҳоли буни қандай қабул қилаётди? Қолаверса, бу соҳа ходимларига муайян кўрсаткичларни белгилашни мумкинми?

— Бу биз учун бажарилиши мушкул бўлмаган, синовдан ўтган тадбир. Бу борада тажрибаларимиз етарли, энди уни янада такомиллаштириб, ҳаётга татбиқ этиш талаб қилинади. Шунингдек, йўлларда хавфсизлик муаммосига жамоатчилик эътиборини жалб этиш, автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши мумкинлиги ва зарурлигини намойиш қилишга, унинг барча қатнашчилари томонидан йўл ҳаракати қондаларига риоя этишга оммавий қачиринга йўналтирилган «Автомобилсиз кун» ойлик акциясини мунтазам асосда республиканинг барча ҳудудларида ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Чунки, ҳозир автотранспортлар сони соат сайин ортиб бормоқда. Бу эса кўчаларимизда тирбандликларни юзага келтириш билан бирга экологик муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий. Автотранспорт воситалари двигателидан чиқадиган захарли моддалар инсон саломатлигига, дов-даррахтларга қанчалар зарар етказишини эса ҳаммамиз яхши биламиз. «Автомобилсиз кун» акциясини тўғри йўлга қўйиб оласак, бу фақат фойда келтиради.


— Пйёдалар қондабузарлиги ҳеч вақт ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Концепцияда бу масалага ҳам эътибор қаратилганми?

— Ҳа, албатта. Жумладан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лиги билан биргаликда уч ой муддатда пйёдаларда йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда қондабузар пйёдаларнинг шахсини аниқлаш механизмини ва улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида электрон протоколларни расмийлаштириш тартибини жорий этишга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги белгиланди. Пйёдаларнинг ҳаракати тўхташи ва бошлаши тўғрисида оғохлантиришнинг замонавий сигнал берувчи тизимларини жорий этиш, пйёдалар учун янги ўтиш жойларини ташкил этиш кўзда тутилмапти.

Ёшларда, энг аввало, умумтаълим муассасалари ўқувчиларида йўл ҳаракати доирасида зарур билимлар, ўқувлар, хавфсиз ва қонунга итоат қилиш ҳулқ-атвори кўникмаларини шакллантириш, йўл ҳаракати барча қатнашчиларининг маданияти ва фуқаролик онгини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилади.

Бундан буён Концепция талабларидан қилиб



«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш янада такомиллашади

чиккан ҳолда мутасадди вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда мактаб ўқувчиларида хавфсиз ва қонунга итоаткор ҳулқ-атвор бўйича билим, маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш йўналишида мунтазам равишда иш олиб борилади. Мактабга таълим муассасаларида болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги асосларини ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, шунингдек, фавуқолада вазиятларда ҳаракатланиш асосларини ўргатувчи дастурларни ўз ичига олган «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» мажбурий фани умумтаълим мактабларида жорий этилади. Болаларга йўл ҳаракати қондалари, шу жумладан, велосипед хайдаш кўникмалари ва йўллардан ўтиш тартиби чет эл тажрибалари асосида ўргатиб борилади. Бунинг учун Норвегия тажрибаси асосида йўл ҳаракати қондалари ўргатилишини ташкил этиш учун махсус ёшларнинг автотурлар яратилади. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари томонидан нур қайтарувчи курилмалар мактабга ёшдаги болалар ва таълим муассасаларининг кичик синф ўқувчилари орасида бепул тарқатилади.

Бутинга эмас, 18 ёшга тўлган, таълим олган ва имтиҳонни белгилаш тартибда муваффақиятли топширган шахсларга «А» ва «В» тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш ҳуқуқини берадиган шаходатномаларни таълим муассасаларида бериш йўналишида ҳам тегишли ишлар олиб борилади. Умумтаълим мактабларидаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» фанига доир ўқув курслари шу соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларида ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар ўқувчилари орасида «Яшил чироқ», «Йўл ҳаракати қондалари билимдон», «Энг намунавий пйёда» каби викториналар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Ана шу механизмлар муваффақиятли йўлга туширилса, пйёдалар томонидан содир этиладиган қондабузарликлар сезиларли даражада камайишига умид қилса бўлади. Демакки, йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳам камайди. Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳар йилда йўл-транспорт ҳодисасининг биттаси пйёда иштирокида содир этилмоқда.

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда тарғибот йўналишидаги ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда?

— Авваломбор, республика ва маҳаллий телеканалларда ички ишлар органлари масъул ходимларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига

амал қилмасликнинг сабаблари ва оқибатлари, шу жумладан, йўл ҳаракати доирасида пйёдаларнинг масъулияти масалаларини профессионал ва тушунарли ёритишни таъминлашга йўналтирилган чикишлари, интервью ва учрашувлари ташкил этилади. Тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишга жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам кенг жалб этилади. Илгор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг муҳимлиги ва қўллаб-қувватлаш зарурлигини тарғиб қилишга суғурта, уяли алоқа компаниялари ва реклама ташкилотларини жалб этишнинг сифат жиҳатидан янги механизмлари жорий қилинади. Ўз навбатида, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш соҳасидаги моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланади.

Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот

— Транспорт воситалари эгалари яна нималарни билиб қўйишлари зарур деб ҳисоблайсиз?

— Транзит ва давлат ички транспорт оқимини амалга ошириш учун мақбул шарт-шароит яратишга йўналтирилган халқаро автомобиль йўллари инфратузилмаси такомиллаштирилиб, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишини назарда тутувчи республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бунда автомобиль йўллари ҳолати, йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўладиган «авария ўчоқлари»ни ўрганиш, аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўриб бориш режалаштирилган.

Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ҳам қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарганлик, ДИХХХ ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш бўйича қонуний талабларини бажармаганлик, йўл-транспорт ҳодиса содир этилган жойни тарқ этганлик, хавф остида қолдирганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш ҳамда йўл-транспорт ҳодиса иштирокчилари бўлган ва ДИХХХ руҳсатсиз транспорт воситаларини таъмирлаб олган шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш чоралари кўрилади.

Чет эл тажрибаларини ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб чиқиш ҳисобига балл тўплаб бориш тизимини жорий этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳам тайёрланади. Мисол учун, ҳар йили ҳар бир хайдовчилик гувоҳномасига 12 балл берилади. Бу баллар ҳайдовчи томонидан содир этилган қондабузарликлар турига қараб камайиб боради. Айтайлик, хайдовчи ўша 12 балл-



нинг ҳаммасини ишлаб қўйса, яъни шунча баллик қондабузарлик содир этса, у маълум муддатга хайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Балл тизимини қўллашда жарима баллари «Йўл ҳаракати қондалари» бузилишининг оғирлик даражаларига қараб белгиланади. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Агар хайдовчи жарима балларини ишлашмас, яъники муайян вақт ичида «Йўл ҳаракати қондаларини» бузмаса, қондабузарлик содир этмаса, бундай хайдовчиларни рағбатлантириш механизмлари жорий этилади. Шу тарика фақат жазо бериш йўли билан эмас, балки рағбатлантириш йўли билан ҳам «Йўл ҳаракати қондаларига» риоя этишнинг афзалликлари тарғиб қилиб борилади.

Бу усул қўлланиши билан ҳаракат иштирокчиларида қондаларни чуқур ўрганиш ва уларга қатъий амал қилишга бўлган иштиқоқ ортади. Бу эса қўнгилсиз ҳолатларнинг камайишига, инсонлар ҳаёти ва мол-мулкни муҳофаз қилиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга имкон яратди.

Бундан ташқари, жохон андозалари асосида светофорнинг такликовчи чироғи ёниб турганда, ўннга боришга рұхсат берадиган йўл белгилари ва ишоралари жорий этилади. Хабарингиз бор, бу иш тажриба тарихида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Жиззах вилоятларида синовдан ўтказилган эди.

Автотранспорт воситаларида болаларни ушлаб турадиган курилмалардан фойдаланиш, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чоралари кўрилади. Йўл белгилари, шу жумладан, радарлар борлигидан хабардор қилувчи йўл белгилари замонавий халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда янгиланади.

Кун ёруғ бўлган вақтда олдинда кетаётган транспорт воситасини яхшироқ кўриш мақсадида енгил ва юк транспорт воситалари учун кундузги юриш чироқларидан мажбурий тарзда фойдаланиш йўлга қўйилди.

Охириги уч йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситалари инвентаризация қилинади ва утилизацияга топширилмаган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинмаган транспорт воситаларини ДИХХХ органлари ҳисобидан мажбурий тарзда ўчириш тартиби белгиланади. Транспорт воситаси утилизация ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлишга топширилмаган бўлса, уни мажбурий техник кўриқдан ўтказишга ўз вақтида топширмаганлик учун маъмурий жарима ундириш тўғрисидаги меъёрий қонда чиқариб ташлашни кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларини кенг жалб қилган

ҳолда транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби мажбурийлиги ва муҳимлигини мунтазам тарғиб қилиш йўлга қўйилди.

— Бундан кўриниб турибдики, соҳа ходимларининг юмуши янада кўнаяр экан-да?

— Халқаро тажрибани (Буюк Британия, Корея, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, РФ) ўрганиш асосида ДИХХХ қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари билан шугулланувчи Илмий-тадқиқот маркази тузилади. Бу марказ йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини ўрганишга доир тадқиқотлар ўтказилиши ва мувофиқлаштирилишини ташкил этади, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий ва техник тарғибот соҳасини такомиллаштиришда иштирок этади. Йўл ҳаракати иштирокчиларини йўл-транспорт ҳодисасидан ҳимоя қилиш даражасини оширишнинг ҳуқуқий, муҳандислик-техник, ахборот, таҳлилий-методик муаммоларини ҳал қилишга доир вазифаларни бажариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишига қўмақлашадиган омилларни ва шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, жароҳат олишни бартараф этиш ва камайиштиришнинг устувор йўналишларини илмий асослаш, ДИХХХ фаолиятидаги долзарб муаммоларни, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш билан шугулланади.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ноябрь ойига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ички ишлар, Адлия, Молия вазирликлари ва манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда йўл-патруль хизмати инспекторларини маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш, узатиш учун мобил электрон воситалар билан таъминлаш, йўл ҳаракати соҳасида содир этилган қондабузарликларни рўйхатлашнинг марказий электрон тизимини такомиллаштириш, йўл ҳаракати соҳасида алоҳида маъмурий қондабузарликлар бўйича материалларни кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш юзасидан электрон тизим жорий этилади. Қидирувга берилган шахслар ва транспорт воситаларини аниқлаш ҳамда транспорт воситалари эгалари томонидан мажбурий фуқаролик суғуртаси талаблари бажарилиши юзасидан назорат бўйича дастурий бошқарув комплекси жорий этилади. Шунингдек, фуқаролар томонидан транспорт воситаларини рўйхатга қўйиш, қайта рўйхатга қўйиш ҳамда хайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олувчи электрон тизим яратилади.

2019 йилнинг декабрь ойига қадар ИИВ, ФВВ, ССВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мобил кутқарув гуруҳлари тузиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланади.

Унга қўра йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасининг қўра ва воситалари жалб қилинади. ФВВ ва ИИВни замонавий кутқарув техникаси, асбоб-ускуналар ва тиббий мулк билан жиҳозлаш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланади. Зарур ҳолларда, санитария авиацияси қучларини жалб қилиш, шунингдек, жароҳат олганларга ўз вақтида

шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун ихтисослашган кутқарув вертолётларини босқичма-босқич харид қилиш масалалари ҳал этилади. Шунингдек, ФВВ таркибиде кутқарув-парамедиқлар гуруҳини ташкил этиш, шу жумладан, Республика шовилич тиббий ёрдам илмий Марказининг Ўқув маркази базасида кутқарув-парамедиқлари тайёрланиши назарда тутилмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларга шошилич ёрдам кўрсатиш учун авариа юз бериш эхтимоли катта бўлган автомобиль йўллари участкаларида экипажлар жойлаштириш, йўл-транспорт ҳодисалари юз берганда экипажларни ягона телефон рақами билан оғохлантириш механизмининг яратилиши ва йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда жароҳатланган шахсни доволаш учун бюджетдан сарфланмаган ҳаракатларни авариага айбдор бўлган шахс томонидан қоплаш механизмининг ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Биз Концепция ва «Йўл харитаси»да белгилашган вазифаларнинг энг муҳимларини санаб ўтдик. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган яна жуда кўп тақлифлар белгилашган. Бу вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ишлари бошқаб юборилган. Бу вазифалар, таъкидлаб ўтганимиздек, битта соҳанинг иши эмас. Мустақар айтганда, «сеники, меники» демасдан, бир ёқадан бош чиқариб ишлар зарур. Бунинг учун эса барча шартлар етарли. Гап фақат иштиқоқ ва янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда қолади.

Суҳбатдош: Акмал ЮНУСОВ


Саҳифа Ички ишлар вазирлиги ДИХХХ Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.



Жавоб излаётган саволлар

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА!

Талабаларга туғиш таътили бериладими?



Олий ўқув юртида тахсил олаётган хотин-қиз талабаларга бола туғиш (126 кунлик) таътили ва нафақаси бериладими? Таътил ва нафақа берилса, нафақа миқдори қанча ва қай тартибда, қим томонидан тўланади? Шунингдек, таътилга чиққан талаба қолдирган соатларини қайта ўзлаштириш шарти билан ўқиниши давом эттириши мумкинми?
Файзиддин ТИЛОВАТОВ,
Қарши шаҳри

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИГА!

Юракёра ваҳимага ҳоҳат борми?
Кўп қаватли уйда яшайман. Сурункали касалликка чалинганман. Кечки пайт уйимиз олдида «эмоционал сизир» — сут махсулотлари сотувчи машина келади. У махсус овозқучайтиргич мослама — мегафон билан харидорларни ўзига чорлайди. Ахён-ахёнда эса пост-патруль хизмат машинаси ҳам ваҳима билан махсус овозли мосламасини варанглайиб уй атрофларини айланиб қолади. Хўш, уларнинг бу хатти-харакати қонунга қанчалик мос? Ахир, мен сингари беморлар, ёш болалар — кўйингки, одамлар бундан азият чекаётми-ку?
Ойдин МИРЗАЕВА,
Тошкент шаҳри

«ЎЗАВТОСАНОАТ» АЖГА

Бир ой аввал автосалондан янги «Nexia» русумли енгил машина сотиб олган эдим. Энди камида 3-4 йил мазза қилиб минаман, деб ўйласам, чўчварани хом санаган эканман.



Алдагани... харидор яхшими?

Чунки «эл қатори» хали «оёғи қизмасдан» шиналарини алмаштиришга тўғри келди. Машина юрганида қаттиқ урилган, танишларим зудлик билан алмаштириш «урф» эканини айтишди. Ростдан ҳам, машинага қўйилган баллонларни хали янгилигида 500 минг сўмга зўрға

олишди. Янгиси эса менга бир миллион беш юз минг сўмга айланди. Кейин салон тўшамаси, яна қўшимча жиҳозлар сотиб олишга тўғри келди. Хўш, буни нима деб аташ керак? Бундай сифати аъло бўлмаган шиналарни қўйишнинг сабаби нимада? Балки «Ўзавтосаноат» бу ҳолни

изоҳлаб берадими...?

Бизнинг автосаводимиз ҳам мардларча у ёки бу камчилик учун автомашиналарни қайтариб олишдек ҳалол ўйинга ўйнайдиган вақтлар келарми-кан?

Исроил ШУКУРОВ,
Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИГА!

Авиачипта нархида имтиёз борми?

Фарзандларим хорижда тахсил олишади. Тез орада улар ёзги таътилга чиқишади. Хорижда ўқибётган талабаларга авиачипта сотиб олишда бирор-бир имтиёз борми? Қолаверса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси чипталар нархини арзонлаштириш борасида қандай ишларни амалга оширмакда?

Нилуфар ЭШМУРОВА,
Тошкент вилояти



Тафовутни ким аниқлайди?

Самарқанд педагогика техникуминин бошланғич таълим йўналиши бўйича ўқиниши тамомлаб, 1988 йилдан буён умумтаълим мактабларида ишлаб келяпман. Энг аввало, касбимга бўлган меҳр, қолаверса, янгилик, интилишнинг самараси ўлароқ биринчи тоифали ўқитувчи бўлдим. Тоифани уч қарра ҳимоя қилиб, ўзимда саклаб қолдим. 2014 йилги тоифани ҳимоя қилганим тўғрисида берилган ҳужжат бекор қилинди. Ўрта-махсус маълумотли бўлганим учун 2016 йилда менга устамалар бериш ҳам тўхта-тилди. Бу мен каби ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни қамраб, йиллар давомида мисқол-лаб йилгилан обрў-эътиборга бепасандлик муносабати эмасми? Наҳотки, техникум маълумоти билан касб-хунар коллежи ўртасидаги тафовут сезилмаётган бўлса!
Зухра ИБРОҲИМОВА,
Дўстлик туманидаги 2-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИГА!

Ҳаво нега бузиляпти?

Биз Сергели туманининг 3-мавзесидаги кўп қаватли уйлardan бирида яшаймиз. Мана бир неча ойдирки, бир муаммо нафақат мени, балки бутун туман аҳолисини қийнаб келаятган бўлса, ажаб эмас. Муаммо шундаки, кеч соат 22:00 дан кейин биз яшаётган ҳудуд ҳавоси бутунлай ўзгаради. Қаердан-дир шу даражада ёқимсиз хил тарқаладики, нафақат олишга ҳам қийналасиз гоҳида. Кечалари деразани ёпиб ухлашга мажбур бўляпмиз.

Авваллари бундай ҳолатни ҳеч қузатмаганим. Баъзилар Сергели туманидаги саноат зонасида (промзонада) қандайдир янги завод ишга тушганимиш дейишса, яна қимдир янги салкин ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхона хавонинг ифлосланишига сабаб бўлаётганини айтишмоқда. Нима бўлганда ҳам бу муаммо бизни хавотирга солмоқда. Бу борада мутасаддиларнинг фикри қандай?
Раъно ШУКУРОВА,
Сергели тумани

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА!

Тиланчилардан қутулиш мумкинми?



Шаҳримиз кун сайин обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Юртимизга қадам ранжида қилаётган сайёҳларнинг сонни тобора ортаётгани ҳам айни ҳақиқат. Шундай экан, пойтахтимиз ҳуснига доғ бўлиб тушаётган тиланчилар, чоррахалаги мурғак гўдакни кечаси алламаҳалгача кўтариб олиб турадиган гадоилар фаолиятини қандай тугатса бўлади? Бу ҳақда қонунчиликда нима дейилган? Улар фаолиятини бутунлай таъқиқлаш имкони йўқми?

Умуман, бу борада қимдир нимадир қилаётими? Шунини билишни истар эдим...
Дурдона СОДИҚОВА,
Тошкент шаҳри

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИГА!

«Ички виза» ҳам бўладими?

Қишлоғимиз қўшни Туркменистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, бу ерда соғлиқ учун нихоятда фойдали бўлган маъданли сув ва шифобахш балчиқ бор. Шу сабабли қишлоғимизга, айниқса, ёз мавсумида тури жойлардан кўплаб дам олувчилар келади. Бироқ уларни қишлоқ қирравериб қараганда назорат пунктдаги аскарларнинг талаби ранжитмоқда.

Гап шундаки, улар бу ерга келган одамлардан туман марказига қайтиб бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимидан махсус рухсатнома олиб келишни талаб қилишмоқда. Оралиқ масофа 60 км бўлганда, ортиқча сарсонгарчиликни та-

савур этиш қийин эмас. Боз устига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими мутасаддилари ҳам бу ишдан хайрон. Ахир, дам олувчилар чегарани кесиб ўтмаётган бўлса, у ҳолда бундай «ички виза»га ҳоҳат борми?

Буни бор-йўғи махсус журналга қайд қилиш билан ҳал этса бўлмайди? Бунга мутасаддилар нима дейди?

Ўрол ҲАМРОЕВ,
Дехқонобод тумани, Ҳўжайлоқ қишлоғи

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА!

Қонун талаблари нега бажарилмаяпти?

Юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қатта эътибор қаратилаётган. Ўз навбатида, соҳа ходимларининг меҳнат шарафига ҳам яхшиланган бормоқда. Аммо бу муаммо йўқ дегани эмас. Маълумки, Меҳнат кодексига жамоа келишув ва шартномалари орқали ходимларнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтиш ҳаражатларини иш берувчи хисобидан қоплаш кўрсатилган. Бироқ молия идоралари ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиши учун маблағ ажратмаётгани оқибатида иш берувчи ушбу талабни бажара олмаяпти. Бу эса, айниқса, хар олти ойда мажбурий

тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар ходимларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда Молия вазирлиги мутасаддиларига шундай савол бермоқчиман: Нима учун бюджет муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари учун маблағ ажратиб пайсалга солиб келинмоқда? Ушбу масала қачон ва қай тартибда қонуний ечим топади?



Гулноза АННАҲАСАНОВА,
Урганч шаҳри

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА!

Яқинда «Пойтахт» савдо маркази олдидаги ер ости автотураргоҳининг 7,5 млрд. сўмлик бошланғич нарх билан «ким ошди» савдосига қўйилгани ҳақида хабар тарқатилди.

Гап фақат сотиш ва пул топишдами?

Эълонда айтилишича, ер ости тураргоҳи Магбуточилар ва Нурунийлар кўчалари кесилмасида, «Капиталбанк» офиси ва «Пойтахт» савдо маркази қаршида, ер усти тураргоҳи тагида жойлашган. Объектнинг умумий майдони — 2,8 минг квадрат метр. Бошланғич нархи — 7,5 миллиард сўм. Автотураргоҳ «Шарқ» наشريёт уйининг 22 майдаги буюртма хатига асосан, савдога қўйилган. Айни ушбу ҳудудда илгари ёпиб қўйилган бир қатор кўчалар очилиб, транспорт ҳаракати йўлга қўйилди. Бу эса ҳайдовчиларга қулайликлар туғдириш билан бирга ҳаракат хавфсизлиги бўйича бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди ҳам. Чунки шаҳар ҳокимлиги, банклар, савдо мажмуаси ва бошқа қатор ташкилотлар жойлашган ушбу ҳудудда автомобилларни вақтинчалик қўйиш учун жой масаласи жуда долзарблигича қолмоқда. Сотувга қўйилаётган ер ости автотураргоҳини қайси тадбиркор бундай қатта маблағ сарфлаб олади-ю, яна ундан кўпроқ маблағ сарфлаб нимадир қуради? Ахир, бу жой бир замонлар шаҳардаги ер ости автотураргоҳлар қуриладиган жойлардан бири сифатида белгиланган эмасми? Ҳозирда шаҳарнинг айни марказидаги автомобилларни сақлашга бўлган ўта долзарб муаммонинг ечимини ҳақиқатдан ҳам истар эканмиз, бу объектнинг сотувга қўйиш эмас, балки бу жойда кўп қаватли автотураргоҳ қураман, деган довурак тадбиркорга кредитдан қўмақ бериш лозим эмасми? Ёки мен тушунмаётган яна нимадир борми?
Холмурод НОРИЕВ,
журналист



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ, ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА ҚўМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ, «UNITEL» МЧЖГА!

«Beeline» қонундан ташқаридами?

Яқинда «Beeline» мобил алоқа компанияси «Status Gold +» тарифи нархларини бирданга ошириб юборди. Компания бу ҳолни турли қўшимча хизмат турлари очилгани билан изоҳлади. Лекин истеъмолчига бу қўшимчалар керакми? Бу ҳеч қимдан сўралгани йўқ. Яқинда компания қандайдир қонунбузилиши сабаб қатта миқдорда жарима тўлагани тўғрисида хабар эшитгандим. Ўйлаб қолдим, бу нархларнинг ошиши ўша жаримани компенсация қилиш учунми?

Энг юзиги, компания хизматлари сифати ёмонлашса ёмонлашяптики, яхшилангани йўқ, инкинчидан юртимизда эркин валюта конвертацияси йўлга қўйилганидан буён АҚШ доллари нархи тушаяпти... Унда компаниянинг ўз нархларини оширишини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу монополияга қарши курашишга мутасаддиларнинг ҳам асосли жавобини олишда ёрдам берсангизлар. Ахир, нарх-навоми белгилашда, аввало, миқознинг талаби инобатга олиниши керак эмасми? Қолаверса, мамлакатимизда бу каби монопол ҳаракатларга чек қўйилган-ку? Ёки ушбу хорижий қўшма корхонага қонунларимиз тааллуқли эмасми?
Эргаш ОҚБОВЕВ,
Сурхондарё вилояти

ТАХРИРИЯТДАН:

Шу ўринда мазкур компания «Жавоб кутаётган саволлар...» деб номланган саҳифамизнинг ilk сафарисидда берилган саволга ҳам жавоб беришни ўзига эп кўрмаганини таъкидлашни истар эдик. Биз ушбу саволни мазкур таъкидлашга юборар эканмиз, ҳар икки саволнинг жавобини кутиб қоламиз. Уйлашимиз, қўйилган масалалар албатта жавобсиз қолмайди.

Саҳифани Холли НОРБОВЕВ тайёрлади.

Орамиздаги одамлар

Муносиб яшаш бахти

Нуронийлар — юртимиз файзи. «Ishonch» газетасининг 54-сонидagi «Хотира — муқаддас, кадр — абадий!» саҳифасида берилган фахрийлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни ўқирканман, беихтиёр ҳаёлимга ўзим танийдиган шундай пири бадавлат зотлар келди.

Улардан бири муборак 80 ёшни қаршилаган, Андижон давлат тиббиёт институтининг Анатомиа, оператив жарроҳлик ва топографик анатомия кафедраси катта ўқитувчиси Турсун Ниёзовдир. Бу табаррук инсон умри давомида не-не синавларга дуч келмади, қанчадан-қанча синавларни енгиб ўтмади дейсиз. Дарвоқе, аслида ҳаёт байрам ҳам, томоша ҳам эмас, у муносиб яшаш ўрни учун берилган имкониятдир.

лар шу масканда тиббиёт мутахассислари тайёрлаш ишига ҳисса қўшди. 1990 йилда «Меҳнат фахрийси» медали билан мукофотланди. Бугун ҳам жўшқин фаолиятдан тўхтагани йўқ.

Раҳматли турмуш ўртоғи Мунаввархон ая билан ҳамкасб эдилар. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг сеvimли доктор опаси, олима сифатида хурмат қозонган бу аёл билан 46 йил сермазмун ҳаёт кечиришди. Беш фарзанддан 3 нафари уларнинг изидан бориб, тиббиёт соҳасида меҳнат қилмоқда. Бошқалари ҳам жамиятда ўз ўрнини

Турсун отанинг болалик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. «Нон олиш учун совуқ-изгирилли кунларда юпун ҳолда қариялар, аёллар билан бир қаторда 2-3 соатлаб, узундан-узук навбат кутардик. Чунки талон орқали ҳар бир оилга мўлжалланган бир кунлик нон бериларди, аммо кошки унга қорин тўйса», — дея эслайди отахон.

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир.

АМИР ТЕМУР

Уруш даври ва урушдан кейинги оғир йиллар азобини бошидан кечирган ёш Турсун ўрта мактабни тугатган, Андижон давлат тиббиёт институтининг Даволаш факультетини тахсил олди. Шифокор сифатида фаолиятини йўлланма асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Тактаўтир туманида бошлади. Ҳаёт тақозоси экан-да, касаллар ҳаддан зиёд кўплиги, мутахассислар етишмаслиги боис, бир вақтининг ўзида кечани кеча, кундушни кундуз демай ҳам терапевт, ҳам акушер, ҳам хирург бўлиб фаолият кўрсатди.

топган.

Шоғирдлари Турсун Ниёзовни ўз отасидек яхши қўришади. «Турсун ақали ҳазрати инсон деб айтгим келади, — дейди Согликни саклаш вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноков. — Чунки у киши талабалар, клиник ординаторлар, умуман, ҳамма-ҳаммадан беминнат ёрдами, маслаҳатини сира-сира аямайди. Доншманд, камтар бу инсоннинг менинг ҳаётимда ҳам алоҳида ўрни бор. Номзодлик ва докторлик диссертацияларимга тўғридан-тўғри раҳбарлик қилмаган бўлса-да, лекин йўл-йўриқ кўрсатган, ёш ассистент бўлиб ишга келган чоғларимда эса дарс ўтиш маҳоратини ўргатган. Турсун Ниёзовнинг менга қилган беғариз кўмақларини доимо хурмат билан эслайман».

Меҳнати, инсоний фазилатлари билан хурмат-эътибор топган кишилар ҳақида сўз кетганда, «Ҳаётда муносиб яшай олган», деган таъриф ишлатилади. Турсун отани ҳам ҳеч иккиланмай шундай инсонлар сафига қўшиш мумкин.

Зулфия АМИНОВА
Андижон вилояти

Бу ерда икки йил ишлаган, Андижонга қайтди. Қадрдон институтининг «Оператив хирургия ва топографик анатомия» кафедрасида ассистент сифатида ишлагани давом эттирди. Тинмай ишланди, малакасини оширди. Узок йил-

Вақтдан унумли фойдаланиб, кўп ишларга ўлгуриш чоралари ҳақида ўйлаб юрганамда, «Ishonch» газетасида «Онгдаги бўшлиқ — у вақтни тўғри тақсимлаш орқали йўқолади» сарлавҳали мақолани (57-сон) ўқиб қолдим. Билдимки, унда айни менинг қарашларимга ўйғун фикрлар акс этган экан. Айниқса, бўш идишга тош, шағал, қум, сувни навбати билан жойлаштириш усули орқали вақтга қандай муносабатда бўлиш кераклиги тушунтириб берилгани мен учун янглики бўлди.

Дарҳақиқат, кун давомида ёки ҳафта, ой, йил, ҳатто умр бўйи бажарилган ишларингизни муҳимдан номуҳимини ажрата олмасангиз, кутилган натижага эришишингиз қийин. Энг ёмони, дилдаги кўп орзуларингиз армонга айланади қолгани мумкин.

Модомики, шундай экан, нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Тайм-менежерлари томонидан таклиф этилаётган оддийгина усуллар бу борада мушкулнингизни осонлаштиради ва вақтни тежашингизга ёрдам беради, деб ўйлайман. Қуйида ушбу тавсиялардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаман:

1. Шошманг. Одатда шошаётганимизда кўпгина хатоларга йўл қўямиз, сўнг эса ўша хатоларни тўғрилаш учун қимматли вақтимизни сарфлаймиз.

2. Хавотирланманг. Инсон қанчалар кўп ҳадиксираса, шунча кўп даражада ҳеч нарсага улгуролмаётгандек туюлаверади. Унутманг: «Қанчалар кўп вақт йўқотишдан

ИШЛАРИНГИЗГА УЛГУРМАЯПСИЗМИ? Шундай бўлса, вақтни тежашни ўрганинг

кўрсак, уни шунчалар кўпроқ йўқотаверамиз».

3. Эргалаб кун давомида бажаришни мўлжаллаган ишларингиз рўйхатини тузиг. Улардан энг муҳимларини танланг. Парет принципини қўланг: муҳим ишларингиз 20 фоизини танланг ва улар сизга 80 фоиз кутилган натижани беради.

4. Ижтимоий тармоқлар ва дўстларингиз сайтларига кўп вақт ажратманг. Интернетда мулоқот чоғи ўзингизни назорат қилишга одатланг. Биров билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, қисқа хабар ёзиб юборинг ёки кўнгирик қилинг.

5. Супермаркетлар таклиф қилган харидни етказиб бериш хизматларидан фойдаланинг. Агар сиз маълум миқдордаги харидларни олаётган бўлсангиз, етказиб бериш хизмати текин, Касса ёнида йўқотиладиган, йўлингизга кетадиган вақтни тежайсиз.

6. Доим нарсаларни (ишда ҳам, уйда ҳам) ўз жойига қўйишни одат қилинг. Бирор ҳужжатни столнинг устидаги уюмлардан излаб топганингизча қанча вақт кетишини унутманг.

7. Рад жавоби беришдан чўчиманг. Бу ҳеч кимга ёрдам бермаслик дегани эмас. Лекин иш жараёнингиз билан боғлиқ ёки оилангиз билан ўтказишни мўлжаллаган вақтингизни сарфловчи илтимосларга рад жавоби қайтаришингиз ҳеч ёмон томони йўқ.

Бир гал пойтахтга тақсид келарканмиз, ҳайдовчининг ҳаракати эътиборимни тортди. У ҳар бир вилоят чеғарасига яқинлашганда, хавфсизлик камарини тақар ва чеғарадан ўтгач ечиб қўярди. Бу ҳолатдан ҳайрон қолиб турганимда, ҳамроҳларимиздан бири ҳайдовчига гап қотди:

Кўзбўямачиликми ёки?..

— Кечирасиз-у, нега пешонангиз гурра, кўзларингизнинг тағи кўккарган? Нима бўлган ўзи?

Ҳайдовчи мийингизга қилиб қўйди-да, бўлиб ўтган воқеани сўзлай бошлади:

— Уч-тўрт кун олдин кафедра яқин дўстининг туғилган кунини нишонладик. Базм туғатган, спиртли ичимлик ичганим учун машинани ўша жойда қолдирдим ва таксиди уйга йўл олдим. Бироз юргач, тўсатдан кўчани кесиб ўтаётган ёш болани аёлини қўриб ҳайдовчи машинани кескин тўхтатди. Орқадан келаётган автомобилнинг зарб билан келиб урилиши оқибатида олд ўринда қолган машинадаги олд беихтиёр олдинга калкиб кетдим. Ойна синиб, пешонамни кесиб юборди.

Бунини эшитиб, ҳайдовчи билан бирга ёнидаги йўловчи ҳам хавфсизлик камарини тақиб кераклигини ҳаёлимдан ўтказдим. Ўйлаб келаётган гапларимни айтишга имкон топилганидан фойдаланиб, ҳайдовчига дедим:

— Ўшанда хавфсизлик камарини таққан бўлганимизда, бу кўнгиликнинг олди олинган бўларди. Қузатиб келаялман, сиз

ҳозир ҳам фақат йўл назоратчиларини кўргандагина камарни тақиб, ўтишингиз билан ечиб ташлаяпсиз. Аслида, камар эҳтиёт чора учун эмас-ку?

— Ҳа, тўғри айтасиз. Аммо шу камарни тақсам, нимагадир юрагим сикилгандек бўлаверади-да, — деди ҳайдовчи хижолат чекканча ва хавфсизлик камарини тақиб олди. Ёнидаги йўловчи ҳам шундай қилди.

Йўлда давом этар эканмиз, суҳбатимизни исботламоқчи бўлгандек, йўлимизни бир қорит кесиб ўтди. Ҳайдовчи шошилинч тарзда тормозни босди. Орқа ўринда қолган



бўлса-да, биз ҳам олдинга отилиб кетишимизга бир баҳя қолди. Чўчидимки, ҳамма бир зум жим бўлиб қолди. Орадаги жимликни ҳайдовчининг ўзи бузди:

— Худого шукур, синглим, сизнинг гапингиз асқотиб, бизга ҳеч нима қилмади. Камарни таққангиз фойда берди.

Дилафрўз УРОЛ ҚИЗИ
Навоий вилояти

Миннатдорлик Шифокорлар соғ бўлсин!

Халқимизда «Бошидан ўтказган табиб», деган нақл бор. Дарҳақиқат, соғликнинг қадрига ҳеч ким бемор кишичалик етмайди. Мен ҳам хасталикка чалиндим-у, саломатликдан бебаҳо бойлик йўқ эканини чуқур англаб етдим.

Бошим тўхтовсиз оғрир эди. Бир неча бор операция бўлдим. Бемор шифокорнинг ширин сўзидан далда олиб, тўғри муолажа туфайли ўз дардига даво топар экан. Яқинда 1-Республика клиник шифохонасида даволандим. Кенг имкониятларга эга масканнинг малакали шифокорлари-ю замонавий тиббий диагностика ускуналари гўё мен учун мўъжиза бўлди. Галина Данилина, Обид Қодиров, Феруза Саидзимова, Голиб Қўзиев, Дилбар Юсупова, Муҳаббат Бобоҷонова, Умида Анорметова, Лудия Абдулина каби шифокор-у ҳамшираларнинг сазой-ҳаракати, айниқса, профессор Марҳамат Якубованинг маслаҳатлари билан аҳволим анча яхшиланди.

Қўлимни кўксимга қўйган ҳолда халқимиз саломатлиги йўлида жон қўйдириб меҳнат қилаётган клиниканинг барча ходимларига миннатдорлик билдираман. Уларга мустаҳкам соғлик, ишларида омад ёр бўлишини тилайман ва «Шарафларга тўла масъулиятли вазифангизни адо этишда ҳеч қачон чарчаманг, азизлар!» дейман.

Моҳира ЖўРАЕВА
Чўст тумани

Тавсия ИШЛАРИНГИЗГА УЛГУРМАЯПСИЗМИ? Шундай бўлса, вақтни тежашни ўрганинг

8. Ким биландир учрашингиз керак бўлганда, олдиндан кўнгириклашиб, сиз кутган вақтда келишига ишонч ҳосил қилинг. Йўқса, дам олиш ёки тушлик пайтига дуч келиб қолганингиз мумкин.

9. Телевизорга «йўқ» денг. Кетма-кет барча дастурларни кўравермай, фақатгина ёқтирганларингизни томоша қилинг. Акс ҳолда, телевизор сизнинг вақтингизни «еб қўяди».

10. Оилангизда мажбуриятларни тақсимлаб чиқинг ва маиший техникаларини қўланг. Бутун оиланинг юмушларини фақат ўз зиммангизга олманг, балки оила аъзолари ўртасида ишларни тақсимланг. Қир ювиш ёки идиш ювиш машиналари орзу-ҳавас воситалари эмас, балки «кунда-шунда» ёрдамчиларидир.

11. Сизга чиндан ҳам ёқимли бўлган машгулот билан шугулланг. Иш жадвалингиз қанчалик тизг бўлмасин, ўзингиз учун ҳам вақт топинг. Ишдан ташқарида инсон қанчалар ҳордиқ чикаришни билса, дам олиш кунларидан сўнг ҳам ишга шунчалар кўп янги гўялар билан кучга тўлиб келади.

Айтганча, ҳисоб-китобли муносабатлардан бироз чекиниб, осмондаги юлдузлар, қуёш ботиши ва тонг отишини кузатишни ёддан чиқарманг.

Нилуфар ОЙМАТОВА

Кўнжак дил изҳори

Кўп йиллардан буён бир ҳолатдан эзилиб ўйга толаман. Маълумки, ҳайитларда, Хотира ва қадрлаш кунинда дунёдан ўтган яқинларимиз қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларига бағишлаб дуолар ўқиймиз. Албатта, бу улғу савоб. Қолаверса, марҳумларни хотирлаб, кўнжимиз таскин топади. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айтмоқчи бўлганим, ҳар гал зиёрат қиладиганимиз марҳум қариндошларимиз қабрига эътиборимиз кўнгиликдигидекми? Тўғри, шаҳарларда бу борада муаммо йўқ, аммо қишлоқ қабристонлари аҳволи ҳақида бундай деб бўлмайди.

Қаровсиз сўнгги манзилгоҳ

Нега кўп жойларда қабристонларнинг ҳолати ёмон, нега ёввойи ўт-ўланлар, каминлар ўсиб ётади, нега чиройли ва текис йўлақлар ёқизилмаган? Манзарали сояпарвар дарахтлар, гуллар экилса бўлмайди? Ёки зиёратга келган одамлар йўлак йўқлигидан қабр устидан юриб кетганларига кўзимиз тушмаганми? Айримлар яқинлари қўмилган жойни ҳам топа олмайдилар, чунки белгиси йўқ (кидиргани хижолат бўлади), қайсидир бир чеккада ўтириб, тиловат ўқиб чиқиб кетади. Бу, ахир, ачинарли ҳол-ку?!

Энг аввало, айбни эътиборсизлигимиз, лоқайдлигимиздан кидириш керак. Аммо яна бир сабаб бор. Айрим масжид имомлари қабрга ёдгорлик тоши ўрнатилишига, қабр атрофи ўралишига, гуллар экилишига монелик қилишади, салқин бераётган дарахтларни кестиришади, «мумкин эмас» дейишади. Ўларга, каминларга тегма, дейишади. Аҳоли эса уларга ишонади, гап қайтара олмайдилар. Шу йўсинда қабристон қаровсиз ҳолга тушади. Ахир, ҳар йили Наврўз олди бўлиб ўтадиган ҳашар баҳона тозаланиб, ўтлари ўрилади-ку?! Шундай экан, нега доимий равишда бу иш йўлга қўйилмайди?

Нима, қабристонларни тартибга келтириш, тозаланиши таъминлаш учун ҳам қарор керакми? Наҳотки, бу ҳақда ўзимиз ўйлаб қўришимиз мумкин эмас?

Олтинжон ТИЛЛАЕВ
Наманган шаҳри

Муштарий муаммо кўтаради

Йўлимиз қачон соз бўлади?

Қишлоқ йўллари ҳақида ўйлаганда, аксар ҳолда кўз олдимизда қандай манзара гавдаланишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ёзда чанг-тўпроқли, қишда лой... Ҳамма жойда шундай дейиш фикридан йироқман. Лекин...

Мисол учун, биз яшаётган Қорақўл туманидаги «Човли» маҳалла фуқаролар йиғини худудидидаги йўлларни олиб кўрайлик. Худудимиздаги қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежидан Навбахор, Гулистон ва Қирққалъа қишлоқларини оралаб Янгибозор томонга қўзилган салкам 3 километрик йўлдан юриш анчагина машаққат чекишни талаб этади. Йўлнинг бу қадар абгор ҳолга келиб, ўнқир-чўнқирлар пайдо бўлганидан пиёда ёки автомобиль туғул трактор ҳам ҳаракатланиши мушкул. Қишда лойга ботиб қолиш эҳтимоли катта бўлса, ёзда чангдан йўлни ҳам қўриб бўлмай қолади. Кўприклар ҳам носоз ҳолга келиб қолган. Қарийб 10 йилдан бери аҳвол шу. Йўлни эпаккага келтириш, аҳолига қудай шароитлар яратиш учун юқори ташкилотларга қилган мурожаатларимиз ҳеч қандай натижа бермапти. Қуруқ вадалардан нарига ўтиш йўқ.

Охири, Сизларга — «Ishonch» газетаси таҳририятига мурожаат қилишга қарор қилдик. Чунки сеvimли газетамиз орқали кўплаб масалалар мутасаддилар эътиборига ҳавола этилаётганидан хабардормиз. Нашр ўз номи билан халқ ишончини оқлаб келаяпти. Ажаб эмас, таҳририят аралашувидан сўнг бизни узок йиллардан буён қийнаб келаятган йўл муаммосига ечим топилса...

Хурмат билан
Бир гуруҳ фуқаролар номидан
Маҳкамтош РАҲМОНОВ



Инсон борки, дам олиш кунлари ёки таътил вақтида сайр-у саёҳатга чиқиш ва табиатнинг ҳушманзара гўшаларида бўлиш пайида бўлади. Ахир, бундай саёҳатлар дилни яйратиб, кишига хушқайфият бағишлайди-да!

Туристлик маданиятни юксалтириш, мазмунли дам олишни ташкил этиш ҳамда дунё сайёҳларини жалб этиш борасида мамлакатимизда кенг камровли ишлар амалга ошириляпти. Бетақорр табиатга эга бўлган Сурхон воҳасида ҳам ушбу йўналишда салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ҳудудда замонавий транспорт коммуникация тармоқлари, кўркам бино ва иншоотлар, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг барпо этилаётгани саёҳат қилувчилар учун қулайлик яратаётди. Термиз шаҳридаги қадим мейморчилигимизнинг бетақорр намуналари, Бойсунтоғ, Ҳисортоғ тизмалари бағрида жойлашган табиат мўъжизалари, турфа маданиятлар уйғунлигини ифода этувчи археологик топилмалар, Сурхон фольклори ва этнографияси каби маданий мерос барча-барчада катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Кейинги йилларда воҳадаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, бетақорр сўлим табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш учун келатган сайёҳлар сони тобора ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Бу ўз ўрнида янгидан-янги лойиҳаларни ҳаётга татиқ этишга туртки бераётди. Бошқача айтганда, туризм ҳудуд тараккиятини муҳим ўрин эгалламоқда.

Бўлган турли хизматларини кўрсата-япти. Эътиборлиси, туризм бўйича ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида янгидан-янги иш ўринлари яратилаяпти. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган кўплаб маҳаллий гидлар «Ўзбектуризм» миллий компанияси илмий ўқув консалтинг марказида ўз малакаларини ошириб, халқаро даражадаги гид сертификатига эга бўлишди. Термиз шаҳридаги Ал-Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирққиз ёдгорликлари ёхуд Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейида жамланган экспонатлар, Бойсун туманидаги Мачай қишлоғида жойлашган Тешиктош гори, Шерободдаги Зарраутсой битиклари ҳар бир сайёҳни ўзига мафтун қилади. Туристлик йўналишларни тақлиф этишда мана шундай эътибор ва эътирофга сазовор жиҳатларни эътиборга олаётимиз, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги худудий вакили Шухрат Иброҳимов.

Ҳозирги пайтда Термиздаги 20 тага яқин тарихий ва мейморий иншоотлар, Шерободдаги Абу Исо ат-Термизий ва бошқа кўплаб мақбаралар қайта тазмирланиб, зиёратчилар ва туристлар учун қулай шароитлар яратилди. Бундан ташқари, экотуризм бўйича олис қишлоқлардаги хушманзара худудларга янги йўналиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Туризм ривожига худудларнинг инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш, шу жум-

ладан, меҳмонхона хизматларининг даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Манзилли дастурлар асосида амалга ошириляётган ишлар бу жиҳатларни халқаро андозаларда ташкил этиш учун имкон яратмоқда. Шунингдек, туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳам изчил тадбирлар режалаштирилган бўлиб, хусусан, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Термиз давлат университетига янги «меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «туризм» йўналишлари очилиб, кўплаб йиғит-қизлар ўқишга қабул қилинди. Айни вақтда уларга малакали мутахассислар томонидан касб сирлари ўргатилмоқда.

Ўқишда олган билимларини келажакда амалиётга таъбиқ этишга ҳаракат қиламан. Эндиликда сайёҳларга нафақат тарихий масканларимиз ёхуд экотуризм объектлари, балки замонавий шаҳар-соҳил намуналарини ҳам фахр билан тақлиф этиш имкониятига эгаимиз, — дейди университет талабаси С.Мардонова.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Сурхон воҳаси тарихий, этнография ва экотуризмдан ташқари алпинизм, рафтинг, велотуризм сингари йўлаб серларомад ва истиқболли туристик йўналишларни ривожлантириш бўйича юқори имкониятларга эга. Туризм соҳаси иқтисодий янада мустахкамлаш баробарида аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Рамазон оғи фазилатлари

Рамазон — пайғамбарлар орзу қилган ой. Бу ой Қуръон ўқиш, хайр-у саховат ўлашиш ва меҳр кўрсатиш мавсумидир. Айниқса, бу ойда муборак бир кеча бўлиб, у минг ойдан яхшироқ дея таъриф қилинади. Ким ўша кечани ибодат билан ўтказса, бошқа пайтда минг ой ибодат қилгандан кўп савобга эришади.

Исломи динида «Лайлатул-қадр» — Қадр кечаси улуглини барчага аён ҳақиқат. Ушбу муборак кечани мусулмонлар орзиқиш билан кутади, алоҳида эҳтиром билан ибодатлар ва яхши амаллар қилади. Қадр кечасининг аниқ қайси кунда бўлиши маълум эмас. Бу борада олимлар ўртасида жуда кўп ва қучли ихтилофлар мавжуд. Фақиҳлар томонидан Қадр кечасининг қачон бўлиши ҳақида қирқдан зиёд фикр ва тахминлар айтилган. Аслида, Қадр кечаси қачон бўлишини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди.

Мазкур муборак кеча Рамазон тунларидан бирига яширинган. Демак, инсонлар вақтнинг ҳар лаҳзасини ганимат билиши керак, барча тунларни қадр билиб, ҳар бир сониядан ижобат оналари сифатида унумли фойдаланмоқлари даркор. «Лайлатул-қадр» сўзи йил давомида турли амал, ҳукм, ризқ, тақдир белгиланадиган кеча, деган маъноларни билдиради.

Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинади: Рамазон оғи келганида Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Аллоҳ сизларга бу ойда рўза тутишни фарз қилди. Бу ойда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар қишлананади. Унда минг ойдан яхши бир кеча бор. Ким ундаги яхшиликлардан маҳрум бўлса, маҳрум қилинади», дедилар (Имом Насайи).

Убода ибн Сомит (розияллоху анҳу) ривоят қилади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) «Қадр кечаси Рамазоннинг охириги ўн кунлигидадир. Ким унда имон билан Аллоҳ розилиги учун ибодат қилса, албатта, Аллоҳ аввалги-ю кейинги гуноҳларини кечиради. У тоқ кечада бўлади. Тўқки-

зинчи ёки еттинчи ёки бешинчи ёки учинчи ёки охириги кеча қадр кечасидир», дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Қадр кечасининг етти аломати

1. Қадр кечасида соқинлик ҳукм суради. Атроф мусалффо, ёруғ, худди суқунапта ўралган ёддули ой чарақлаб тургандек бўлади.
2. Осмондаги юлдузлар учмайди, бошқа жисмлар қалтис ҳаракат қилмайди. Қасалликлар пайдо бўлмайди.
3. Ҳаво муътадил бўлади, жуда иссиқ ҳам, жуда совуқ ҳам бўлмайди.
4. Эрталаб қуёш қизариб, тоғорага ўхшаш, ёдуси жуда заиф бўлиб уфқдан бош кўтаради. Чунки ўша тун ва кунда кўп фаришталар ерга тушиб-чиқиб туриши оқибатида қуёш нурларини ҳам тўсиб қўяди.

5. Қадр кечасида ёмғир-қор ёғмайди, ёғса ҳам ўта майин ва ёқимли бўлади. Шўр сувлар чучук бўлади.

6. Дарахлар ўз шохларини ерга эгилтириб туради.

7. Ўша хуни шайтонлар қишишга йўл қўйилмайди. Қадр кечасининг Рамазон оғига яширилишининг ҳикмати ўлим вақтини ва қиёматни яшириш ҳикмати кабилар. Шунинг учун Қадр кечаси мўминлар тоат этишга рағбат ва ҳаракатни кучайтириши, гофил ва дангаса бўлмаслиги лозим. Барчамизни Қадр кечасини топишга муваффақ айласин.

Зулфия ХОЛМУХАММЕДОВА
тайёрлади.

Қадр кечасининг етти аломати

Ижтимоий реклама





España
Exportación
e Inversiones



Ispaniya-O'zbekiston forumi Ko'p tomonlama Hamkorlik

Toshkent, 19-20-iyun 2018-yil

Wyndham Tashkent Hotel
<https://ofecomemoscru.timepad.ru/event/734398/>



Реклама ва эълонлар

«Чотқол тоғ ён бағридаги яшил ўрмонлар бағрида жойлашган «Геолог» ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳида йўлланмалар сотуви бошланди.

Ёзги мавсум 15 кундан
3 павтатиш бўлади. Мавсум бошланиши — 23.06.2018 й., тугаши — 10.08.2018 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-«а» уй.
Тел: 241-54-70, (90) 939-58-72. Факс: 241-97-74.



«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ
2018 йил июнь ойида ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасини маълум қилади!

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, «Тўқувчи» МФЙ, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 30,44 га, бино ва иншоотлар умумий қурилиш ости майдони 94 049,45 кв.м. бўлган кўчмас мулклар (1, 2 ва 2-1-участкалар), бошлангич баҳоси — 24 327 737 105 сўм. Сотилиш баҳоси — 25 065 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.
RR — №0008.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев
Навбатчи:
Н. Махаммов
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — **02:50**
Топширилди — **03:20**
1 2 3 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табло, Бюджетга Г — 609, 29561 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.